



O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
sayloviga doir
SAYLOV BYULLETENI

(imzo)
M.O'.

(imzo)

2021-yil 24-oktabr

T/r	O'zbekiston Respublikasi Prezidentligiga nomzodning familiyasi, ismi va otasining ismi, tug'ilgan yili, uni nomzod etib ko'rsatgan siyosiy partiya nomi	O'zingiz yoqlab ovoz berayotgan nomzodning familiyasi ro'parasida, o'ng tomonda joylashgan bo'sh kvadratga + yoki ✓ yoxud X belgisini qo'ying
1	ABDUXALIMOV Baxrom Abduraximovich 1959-yilda tug'ilgan, O'zbekiston "Adolat" sotsial-demokratik partiyasi	<input type="checkbox"/>
2	MIRZIYOYEV Shavkat Miromonovich 1957-yilda tug'ilgan, Tadbirkorlar va ishbilarmenlar harakati – O'zbekiston Liberal-demokratik partiyasi	<input type="checkbox"/>
3	OBLOMURADOV Narzullo Naimovich 1975-yilda tug'ilgan, O'zbekiston Ekologik partiyasi	<input type="checkbox"/>
4	QODIROV Alisher Keldiyevich 1975-yilda tug'ilgan, O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi	<input type="checkbox"/>
5	VARISOVA Maksuda Azizovna 1961-yilda tug'ilgan, O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi	<input type="checkbox"/>

O'zingiz yoqlab ovoz berayotgan nomzodning familiyasi ro'parasida, o'ng tomonda joylashgan bo'sh kvadratga + yoki ✓ yoxud x belgisini qo'ying.

Ovoz berish chog'ida bittadan ortiq kvadratga + yoki ✓ yoxud x belgisi qo'yilgan yoki bitta ham kvadratga bunday belgi qo'yilmagan saylov byulleteni haqiqiy emas deb topiladi.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир
сайлов бюллетенининг
ТАВСИФИ**

1. Сайлов бюллетенининг ўртасида оч яшил фонда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг 83 миллиметр ўлчамдаги тасвири ҳамда чизиқлари қалинлиги 0,09 миллиметр ўлчамдаги чизиқли нақш туширилади.

2. Сайлов бюллетенининг юқори чап бурчагида 47 миллиметр ўлчамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг логотипи, ўртароқда эса 18 pt ўлчамида қора рангда “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti sayloviga doir SAYLOV BYULLETENI” деган матн уч қатор қилиб жойлаштирилади. Матнда Merriweather Bold шрифтидан фойдаланилади.

Сайлов бюллетенининг юқори ва пастки чегараларидан матнларгача бўлган оралиқ масофа 13 миллиметрни ташкил этиши керак.

3. Сайлов бюллетенининг юқори ўнг бурчагида участка сайлов комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари учун 20 миллиметрли яшил рангда иккита чизиқ чизилади, мухр ўрни учун чизиқдан чапроқда 7 миллиметр оралиқ масофада, 7 миллиметрли “М.О‘.” қисқартмаси чизиқларнинг ўртасига тушадиган қилиб қора рангда жойлаштирилади. Матнда Merriweather Regular шрифтидан фойдаланилади.

4. Сайлов бюллетенида учта устун ва олтига 19,5 миллиметрли қатордан иборат бўлган 118 x 261 миллиметрли жадвал жойлаштирилади. Жадвал чизиқлари 0,3 миллиметр қалинликда, яшил рангда бўлади.

Сайлов бюллетенининг юқори чегарасидан жадвалгача бўлган оралиқ масофа 52 миллиметрни ташкил этиши керак.

5. Жадвалдан юқорирокда чап бурчада 14 pt ўлчамида қора рангда 48 миллиметрли “2021-yil 24-oktabr” деган сўзлар жойлаштирилади. Матнда Merriweather Bold шрифтидан фойдаланилади.

6. Жадвалнинг:

биринчи устуни биринчи қаторида “Т/г” қисқартмаси;

иккинчи устуни биринчи қаторида “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentligiga nomzodning familiyasi, ismi va otasining ismi, tug‘ilgan yili, uni nomzod etib ko‘rsatgan siyosiy partiya nomi” деган матн;

учинчи устуни биринчи қаторида “O‘zingiz yoqlab ovoz berayotgan nomzodning familiyasi ro‘parasida, o‘ng tomonda joylashgan bo‘sh kvadratga + yoki ✓ yoxud x belgisini qo‘ying” деган матн 10 pt ўлчамида қора рангда жойлаштирилади. Бунда, + ✓ x белгилари қизил рангда бўлади. Матнда Merriweather Regular шрифтидан фойдаланилади.

7. Жадвалнинг:

биринчи устуни иккинчи – олтинчи қаторлари 1–5 гача араб рақамлари билан рақамланади. Матнда 10 pt ўлчамдаги Merriweather Regular шрифтидан фойдаланилади;

иккинчи устуни иккинчи – олтинчи қаторларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми (12 pt ўлчамдаги Merriweather Bold шрифтидан фойдаланилади), туғилган йили, уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партия номи (10 pt ўлчамдаги Merriweather Regular шрифтидан фойдаланилади) ҳақида маълумотлар жойлаштирилади. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси (барчаси бош ҳарфларда), исми ва отасининг исми битта қаторда қора рангда, номзоднинг туғилган йили, уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партия номи эса матн ҳажмидан келиб чиққан ҳолда қора рангда жойлаштирилади;

учинчи устуни иккинчи – олтинчи қаторларида иккинчи устундан ажратувчи чизикдан 35 миллиметр оралиқ масофада 12 миллиметрли яшил рангдаги бўш квадрат қаторлараро чизикларнинг ўртасида жойлаштирилади.

8. Жадвалдан пастрокда 10 pt ўлчамида қизил рангда “O‘zingiz yoqlab ovoz berayotgan nomzodning familiyasi ro‘parasida, o‘ng tomonda joylashgan bo‘sh kvadratga + yoki ✓ yoxud x belgisini qo‘ying” ва “Ovoz berish chog‘ida bittadan ortiq kvadratga + yoki ✓ yoxud x belgisi qo‘yilgan yoki bitta ham kvadratga bunday belgi qo‘yilmagan saylov byulleteni haqiqiy emas deb topiladi” деган матнлар иккита хатбошиларда жойлаштирилади. Бунда, + ✓ x белгилар қора рангда бўлади. Матнда Merriweather Bold шрифтидан фойдаланилади.

9. Сайлов бюллетенининг қалинлиги 80 гр/м², оппоқлиги камида 86 фоиз бўлган офсет қоғозида, А-4, 297х210мм ҳажмдаги ўлчамда, бир томонлама горизонтал кўринишда босилади.